

---

Муборак Рамазон ойи давом этаётган қутлуғ кунларда бугун ҳам маҳаллаларда рўзадорлар учун ифторликлар ташкил этилиб, хайр-эҳсон ишлари амалга оширилди.

Бугун туманнинг “Шунқор”, “Чилгижийда” ва “Қушчи” маҳаллалари аҳолиси учун ифторлик ташкил этилди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳомийлигида ўтказилаётган тадбирларнинг бугунги қисмида 300 нафарга яқин рўзадорлар, меҳнат фахрийлари, ёшу кексалар дастурхон атрофида жам бўлди. Ифторлик олдидан рамазони шариф шукуҳи, давлат томонидан олиб борилаётган ислохотлар ҳақида сўз борди.

Ифторлик дастурхонида ёши улуғ отахону онахонлар дуога қўл очиб, юртимизга тинчлик, элимизга омонлик, хонадонларга барака сўрашди. Кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорлик билдиришди.

2023-04-07 21:53:28